Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 120 (5711).
27 МАЙ 1985 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика партия, совет, хўжалик органлари ва жамоат ташкилотларининг КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш чоралари тўғрисида»ги қарорини бажариш соҳасидаги вазифалари масаласини кўриб чиқди.

Область, шаҳар ва район партия комитетларига, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларига, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, министрликлар ва идораларга, хўжалик раҳбарларига ичкиликбозликка қарши курашни қатъиян кучайтиришга ва бу кураш самарадорлигини оширишга қаратилган ташкилий ва тарбиявий тадбирлар комплексини ишлаб чиқиб, амалга ошириш топширилди.

Меҳнат ва ўқув коллективларида, аҳолининг истиқомат жойларида алкоголизмга қарши пропагандани активлаштиришнинг конкрет йўллари белгилаб берилди. Партия ташкилотларига, идеология муассасаларига, оммавий ахборот органларига, ижодий союзларга, «Билим» жамияти ташкилотларига одамларни ичкиликбозликка нисбатан муросасиз бўлиш руҳида тарбиялашни яхшилаш, кишиларнинг саломатлигига алкоголнинг зарарини, шунингдек, унинг жамият ҳаёти ҳамма томонларига — экономикага, турмушга, кишиларнинг маънавий қиёфасига ва онгига салбий таъсирини яққол ва ишончли тарзда очиб бериш таклиф этилди. Театрларда, кино, теле ва радиоэшиттиришларда, бадиий асарларда ичкиликбозликни ва ичкиликлар қўйилган зиёфатни пропаганда қилувчи мотивларнинг кириб қолишига йўл қўйилмасин. Меҳнат коллективлари ва оилаларнинг ичкиликбозликнинг олдини олиш соҳасидаги тажрибалари, алкоголни бутунлай истисно қилувчи янги анъаналар, замонавий урф-одатлар ҳамма пропаганда воситалари билан кенг ёритилсин, ана шу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида аҳоли мунтазам хабардор қилиб борилсин.

Ичкиликбозларга нисбатан таъсир кўрсатишнинг мукофотдан, йиллик иш якунларига кўра, қўшимча ҳақдан, дам олиш уйлари ва санаторийларга йўлланмалардан, бошқа имтиёзлардан маҳрум қилиш каби чоралар оғишмай қўлланилиши устидан жамоатчиликнинг қатъий назоратини таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Касаба союз ташкилотларига ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш борасидаги ишларда меҳнат коллективлари тўғрисидаги СССР Қонуни ва СССР касаба союзлари Уставида ёзиб қўйилган ҳуқуқларидан тўла фойдаланиш таклиф этилди.

Маданий-маърифий, туристик-экскурсия ишларини, бадиий ҳаваскорликни ва илмий-техника ижодкорлигини янада ривожлантириш, коллектив боғдорчилик ва полизчиликни рағбатлантириш учун моддий базани кенгайтириш ва ундан фойдаланишни яхшилаш вазифалари белгилаб берилди. Меҳнат коллективларининг, кўнгилли спорт жамиятларининг, аҳолининг оддий спорт иншоотлари қуриш борасидаги ташаббуслари ҳар томонлама қўллаб-қувватлансин, ҳар бир меҳнат коллективида ана шундай спорт иншоотлари бўлишига эришилсин. Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг соғломлаштириш ва маданий-тарбиявий ишларни олиб бориш, меҳнаткашларнинг истиқомат жойларида оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш мақсадлари учун микрорайонларда биноларни ва майдончаларни жиҳозлаш бўйича оталиқ ёрдами кўрсатиш практикаси қатъият билан оммалаштирилсин.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигига, Прокуратурасига, Юстиция министрлигига, Олий судига ичкиликбозликка қарши кураш да қонунда кўзда тутилган чоралардан тўла фойдаланиш, алкоголизмнинг тарқалишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни чуқур ўрганиб, уларни тугатиш таклиф этилди. Алкоголизмга қарши қонунларни, вино-арақ маҳсулотлари билан савдо қилиш қоидаларини бузувчиларга, самогон тайёрлаш ва спирт билан чайқовчилик қилувчиларга қарши қатъият ва муросасизлик билан кураш олиб борилсин. Савдо министрлиги, Ўзбекбирлашув, савдо тармоқлари бўлган бошқа министрликлар спиртли ичимликлар сотиш устидан қаттиқ контрол ўрнатсинлар, бундай маҳсулотларни фақат ихтисослаштирилган корхоналарда ёки озиқ-овқат магазинларининг алоҳида қилиб ажратиб қўйилган бўлимларида сотишга қисқа муддат ичида ўтсинлар. Арақ ва ликер-арақ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириш, нави паст, кучайтирилган ва мева-резаворлардан тайёрланадиган винолар ишлаб чиқаришни тўхтатиш, алкоголсиз ичимликлар, шарбатлар, квас, мураббо, жем ишлаб чиқаришни ва сотишни, мева, узум, резавор меваларни янги узилган, қуритилган ва музлатилган ҳолда сотишни кўпайтириш тадбирлари кўзда тутилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш ишлари меҳнат, ишлаб чиқариш интизомини ва жамоат тартибини мустаҳкамлашнинг, салбий ҳодисаларни тугатишнинг, меҳнаткашлар турмушини соғломлаштиришнинг, улар фаровонлигини оширишнинг сўзсиз шарти эканлигини таъкидлади.

тонгги газеталарда

Область партия комитетларининг 25 май куни бўлиб ўтган пленумларида КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг якунлари ва партия XXVII съездини муносиб кутиб олиш соҳасида область партия ташкилотларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Жиззах области меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми қарорларини қизғин маъқуллаб, коммунистларнинг Бутуниттифоқ анжуманини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар, партия съездига тайёргарлик даврини зарбдор меҳнат билан нишонлашга интилмоқдалар. Жиззах область партия комитетининг пленумида шу ҳақда гап борди.

Область партия комитетининг биринчи секретари И. С. Умаровнинг докладида ва бошқа нотиқларнинг нутқларида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилишнинг шу йилги тўрт ойлик плани муддатидан илгари бажарилганлиги, шу вақт ичида қўшимча 6,7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. А. Айтмуротов нутқ сўзлади.

* * *

КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг жамият ҳаётининг барча соҳаларида интизомни, уюшқоқликни ва тартибни мустаҳкамлашга қаратилган принципиал йўл-йўриқларини оғишмай ва изчил бажаришга эришиш ҳар бир кишининг ва аввало коммунистларнинг бурчидир. БУХОРО область партия комитетининг биринчи секретари И. Жабборов ва сўзга чиққан нотиқлар шуни таъкидладилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ҳ. А. Шогазатов нутқ сўзлади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Н. Е. Вологдин қатнашди.

Янги муваффақиятларга эришиш учун янгича ишлашга ўрганиш керак, деб таъкидланди ХОРАЗМ область партия комитетининг пленумида. Область партия комитетининг биринчи секретари М. Ҳудойберганов пленумда доклад қилди.

Пленумда Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудова нутқ сўзлади.

* * *

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН область партия комитетининг пленумида коммунистларнинг активлиги, раҳбарлар ва мутахассисларнинг масъулияти, ташаббускорлиги ортиб бораётганлиги уқтириб ўтилди. Бироқ, вужудга келтирилган ишлаб чиқариш ва илмий-техника потенциалидан ҳали ҳам тўла фойдаланилмаяпти. Область партия комитетининг биринчи секретари К. С. Саликовнинг докладида, бошқа нотиқларнинг нутқларида шу ҳақда гапирилди.

Пленумда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. К. Михайлов нутқ сўзлади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими В. И. Меркулов қатнашди.

* * *

Ҳозирги вақтда ФАРҒОНА область партия ташкилотининг барча ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишлари партия режаларини амалга ошириш учун курашда куч-ғайратни оширишга, КПСС XXVII съездига тайёргарликни кенг авж олдиришга қаратилган. Фарғона область партия комитетининг пленумида коммунистларнинг активлиги ва масъулиятини ошириш, меҳнаткашларни зарбдор меҳнатга сафарбар этиш зарурлиги тўғрисида гапирилди.

Докладчи — область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Умаров ва сўзга чиққан бошқа нотиқлар ҳозирги беш йиллик давомида саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини ўсганлигини, бир қанча йирик қувватлар ишга тушганлигини таъкидладилар.

Пленумда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Б. Р. Раҳимов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон касаба союзлари—60 ёшда

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИГА

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети республика касаба союзларини ва барча меҳнаткашларини шонли сана — Ўзбекистон касаба союз ташкилоти ташкил топганлигининг 60 йиллиги билан қизғин, самимий табриклайди ва қутлайди.

Республика касаба союзлари ўзининг бутун шонли йўли давомида хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ишончли ёрдамчиси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Олти миллиондан ортиқ кишини бирлаштирган республика касаба союзлари совет касаба союзларининг энг йирик отрядларидан биридир. У катта ижтимоий куч бўлиб етишди, коммунизмнинг чинакам мактаби бўлиб келди, республика ишлаб чиқариш, маданий ва жамоат ҳаётининг ҳамма соҳаларига самарали таъсир ўтказмоқда.

Республика касаба союзлари коммунистлар партияси, унинг ленинчи Марказий Комитети ва Марказий Комитет Сиёсий бюроси теварагига маҳкам жипслашиб, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитети 1985 йил март ва апрель Пленумларининг қарорларини қизғин маъқуллаб ва қўллаб-қувватлаб, партия XXVI съезди, СССР касаба союзлари XVII съезди қарорларини бажаришда фаол иштирок этмоқда, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш ва сиёсий активлигини янада юксалтириш, ватанпарварлик ташаббусларини кенг оммалаштириш, меҳнат коллективларини совет кишилари фаровонлигини оширишни таъминлашга сафарбар этиш ҳамиша касаба союзлари диққат марказида бўлмоқда. Фан-техника тараққиётини тезлаштириш ва экономикани ривожланишнинг интенсив йўлига ўтказиш, ишлаб чиқариш потенциалидан янада оқилона фойдаланиш, ҳамма турдаги ресурсларни бутун чоралар билан тежаш учун кўп иш қилинмоқда.

Республика касаба союзлари иш сифатини ва самарадорлигини ошириш, кам чиқим қилиб, юксак пировард натижага эришиш, кишиларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор бериб, социалистик мусобақани ташкил этиш даражасини ва таъсирчанлигини қатъият билан оширмоқда.

Республика касаба союз ташкилотлари меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этишга, коллективларнинг иқтисодий ва социал ривожланиш планларини ишлаб чиқишга ёрдам бермоқдалар, меҳнаткашларнинг дам олишини, уй-жой, социалмаиший шароитларини, уларга маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар.

Омманинг ижодий ғайратини КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақасини ривожлантиришга қаратиш, халқ хўжалик планлари ва мажбуриятларни амалга оширишда касаба союзлари ҳиссасини кўпайтириш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг социалистик меҳнат интизомини, уюшқоқлик ва тартибни янада мустаҳкамлаш, ҳаётнинг ҳамма соҳаларини ёт ҳодисалардан тозалаш борасидаги кўрсатмаларини бажариш ҳозирги вақтда касаба союз ташкилотлари фаолиятидаги асосий иш бўлмоғи керак.

Мамлакат илғор коллективларининг беш йиллик топшириқларини стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигигача бажариш борасидаги ватанпарварлик ҳаракатини кенг оммалаштириш, зарбдорлик ҳаракати анъаналаридан актив фойдаланиш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор формаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан собитқадамлик билан иш олиб бориш муҳим вазифадир.

Касаба союзлари Озиқ-овқат ва Энергетика программаларини амалга оширишга, саноатни, капитал қурилишни ривожлантиришга, хўжалик механизмини такомиллаштиришга, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида кенг кўламдаги иқтисодий экспериментни амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшишлари керак.

Меҳнаткашларни халқ мулкини авайлаб асраш, халқ яратган ҳамма нарсалардан оқилона фойдаланишни, топширилган иш учун юксак масъулиятни ҳис этиш руҳида мунтазам тарбиялаб бориш касаба союзларининг шон-шараф ишидир.

Касаба союзлари халқ депутатлари Советлари, хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорликда иш олиб бориб, социал масалаларни ҳал этишда тағин ҳам активроқ иштирок этишлари, кишиларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари яхшиланишига, республика аҳолисига хизмат кўрсатиши лозим бўлган барча тармоқлар фаолиятининг такомиллаштирилишига эришмоқлари керак. Уруш ва меҳнат ветеранларининг моддий-маиший шароитларини яхшилаш масалалари, ишчилар синфининг ёш ўринбосарларини тайёрлаш, мураббийликни ривожлантириш—доимий эътибор беришни талаб қилади.

Касаба союз органларининг муҳим вазифаси — бошланғич ташкилотларга раҳбарликни изчиллик билан такомиллаштиришдан, уларнинг обрў-эътибори ва жанговарлигини оширишдан, ленинча услуб ва ишчанликни қарор топтиришдан, ижодий ташаббусни юксак талабчанлик билан қўшиб олиб боришдан иборат.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети қатъий ишонч билдириб айтадики, республика касаба союзлари партия съездини амалга ошириш учун бундан буён ҳам тинмай курош олиб боради, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб кутиб олиш учун, кўпмиллатли Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш учун социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтаради.

Яшасин бошқариш мактаби, хўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби — совет касаба союзлари!

Яшасин СССР касаба союзларининг жанговар отряди — Ўзбекистон касаба союзлари!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси—Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

ЎЗБЕКИСТОН ҚОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ОЛҒА БОРИБ, ЯНАДА КЎПРОҚ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШАЙЛИК

Х. В. НУЪМОНОВ,
Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг секретари.

Республика касаба союзлари ўзининг шонли юбилейини нишонламоқда. Унинг босиб ўтган 60 йиллик йўлини Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг тарихидан ажратиб тасаввур этиш мумкин эмас.

Бугун биз бенихтиёр ўша даврга, яъни Ўзбекистон касаба союзлари Совети ташкил этилган, касаба союзларининг I таъсис съезди бўлиб ўтган 1925 йилнинг март ойига хаёлан назар ташлаймиз.

Партиямиз Совет давлати ривожланишининг турли босқичларида касаба союзлари олдига янги вазифаларни қўйди. Улар ишининг формалари мунтасил такомиллашиб борди. Касаба союзлари омма учун хўжалик юритиш, коммунизм мактаби бўлиб келмоқда.

Шуниси қувончлики, партия раҳбарлиги остида касаба союзлари ўтмишда қолоқ бўлган ўлкамизнинг экономикаси юксак даражада тараққий этган, мамлакат ягона халқ хўжалик комплексининг таркибий қисми бўлиб қолган республикага айланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

1926 йилда республикада юз мингдан зиёдроқ ишчи ва хизматчи бор эди, холос. Ҳозир республика халқ хўжалигида уч миллиондан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Улар замонавий билимлар ва қудратли техника билан таъминланганлар. Бугунги кунда саноатимиз салкам икки кун ичида 1924 йилда ишлаб чиқарилган жами маҳсулот даражасида маҳсулотни тайёрлаяпти. Республика пойтахти — Тошкент эса йирик саноат марказига айланди. Бу ерда турли хил газламалардан тортиб, самолёт ва тракторгача, серунум пахта териш машиналари, экскаваторлар ва мураккаб электрон-техника ишлаб чиқариляпти.

(Давоми 2-бетда).

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА КЕНГАШ

23—24 май кунлари Москвада иттифоқдош республикалар ташқи ишлар министрларининг кенгаши бўлди. Кенгаш чоғида иш тажрибаси баҳам кўрилди, КПСС Марказий Комитети 1985 йил март ва апрель Пленумларининг қарорларидан келиб чиқадиган талабларни, КПСС XXVII съездига тайёргарлик авж олиб кетганлигини ҳисобга олиб, КПСС ва Совет давлатининг ташқи сиёсий программасини амалга оширишда иттифоқдош республикалар ташқи ишлар министрликларининг қатнашувини янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико нутқ сўзлади.

(ТАСС).

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ—ПАРТИЯ АНЖУМАНИГА





Шонли сана шарафига

Мамлакатимиз ҳаётидаги шонли воқеа—КПСС XXVII съезди очиладиган кун тобора яқинлашмоқда. Республика ва Тошкент шаҳри ишлаб чиқариш илғорларининг «КПСС XXVII съездига —27 зарбдор ўн кунлик» ташаббуси Ўзбекистон ва унинг пойтахти меҳнат коллективларида юксак кўтаринкилик муҳитини вужудга келтирди. Мусобақа пешқадамларининг даъватига «лаббай» деб жавоб берган бригадалар, новатор ишчилар коммунистлар анжуманн шарафига ўз зиммаларига олиб, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳисобидан режанинг барча кўрсаткичларини муддатидан илгари бажаришга киришдилар.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари выставкасида «Республика шаҳарларни ва аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш учун гуллар ва манзарали ўсимликларнинг энг яхши навлари» кўргазмаси очилди. Республика хўжаликлари ўтган йили ана шу мақсадда 4 миллион 446 минг дона дарахт кўчатлари ва буталарини, беш миллион донага яқин гул кўчатини реализация қилдилар. Экспозицияда юз хилга яқин гул ва манзарали ўсимликлар намойиш этилмоқда.

●

Келгуси йили ишлаб чиқариладиган мебелларнинг республика улгуржи ярмаркаси ўз ишини ниҳоясига етказди. Унда турли соҳаларга қарашли ўндан ортиқ корхона, шу жумладан «Тошкент» мебель бирлашмаси, ошхона ва бошқа мебеллар заводи қатнашди. Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлиги бу ярмаркада 30 хил буюмни намойиш этди. Улар орасида миллий буюмлардан хонтахта, жавонлар, сандиқлар бор. Замонавий мебеллардан эса ошхона жиҳозлари туркуми, стенкалар, «Ғунча» болалар мебеллари туркуми харидорларга манзур бўлди. Бу маҳсулотлар келгуси йили савдога чиқарилади.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 26 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 16—18, эртага кундузи 32—34 даража иссиқ бўлади.

• Биродарлашган шаҳарлар дўстлашмоқда

ЯХШИ АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

БУГУН Тошкент шаҳар делегацияси Москвадан Югославияга жўнаб кетди. У биродарлашган шаҳарда бўлади. Делегация раҳбари Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров. Делегация составида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари В. А. Алавутдинова, «Ташгипрогор» институти директори Ю. Г. Мирошниченко, 1-уйсозлик комбинати бетончилар бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Х. Орипов бор.

Ўзбекистон ССР пойтахти Тошкент ва Македония Социалистик Республикасининг пойтахти Скопленн яхши дўстлик алоқалари боғлаб турибди. Кейинги вақтларда Ўзбекистонда Македония Социалистик Республикаси маданияти кунлари ва Македонияда эса Ўзбекистон ССР маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилди. Бу йил Македония коммунистлари союзи шаҳар комитетининг делегацияси Совет Иттифоқида меҳмон бўлди. Петар Кароянов бошчилигидаги бу делегация Тошкентда бўлди, республикамиз бўйлаб сафар қилди.

Тошкент делегацияси қардошларимиз диёрида бир неча кун мобайнида биродарлашган шаҳар билан танишади.

• Маданият хабари

КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

«Илҳом» ижодкор ёшлар клубида республика Журналистлар союзи ва унинг Тошкент ташкилоти, графикчи рассомлар секцияси ташкил этган рассом-журналистлар кўргазмаси очилди. Уни Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг секретари Х. Назиров очди.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган бу кўрикда 38 муаллифнинг 100 дан ортиқ асари намойиш этилмоқда. Бу рассомларнинг кўпчилиги уруш йўлларини матонат билан босиб ўтишган. И. Цинганов, И. Рабодзиенко, Н. Ибрагимов ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу ерда рассом-сатириклар, рассом-журналистлар асарлари ҳам намойиш этиляпти.

Плакатлар, расмлар, акварелллар, графика асарлари уруш йўлларн ҳақида, ғалаба туфайли тинч бунёдкорлик меҳнати, тинчлик ва дўстлик ҳақида ҳикоя қиладн.

Ф. АБДУРАҲИМОВА.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислар группаси мусобақадош Львовдаги «Луч» тўқимачилик ишлаб чиқариш бирлашмасидан қайтиб келди. Икки корхона коллективи ўртасида дўстлик алоқаси узоқ йиллардан бери давом этиб келмоқда. Мутахассислар группаси у ерда ишлаб чиқаришни автоматлаштиришда янги методлар ва усулларни қўллаш тажрибаси билан атрофлича танишдилар. Бу тажриба Тошкентда кенг қўлланиладиган бўлди. Натижада хом ашёни сарфлаш жиддий назорат қилинади, маҳсулот сифати оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Ичкиликбозликка ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш, самогон қилишни тугатиш тадбирлари тўғрисида» Фармон қабул қилди.

Мазкур Фармонда қуйидагилар кўзда тутилади:

I. ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДА СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАР ИЧГАНЛИК ВА ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДА МАСТ ҲОЛДА ПАЙДО БЎЛГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

1. Кўчалар, стадионлар, хиёбонлар, паркларда, ҳамма хилдаги жамоат транспортида ҳамда спиртли ичимликларни қўйиб сотишга халқ депутатлари маҳаллий Советининг ижроия комитети рухсат берган савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари, бошқа жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичганлик ёки жамоат жойларида инсоннинг қадр-қимматини ва ижтимоий аҳлоқни таҳқирлаб, маст ҳолда пайдо бўлганлиги учун огоҳлантириш тарзида ёки йигирма сўмдан ўттиз сўмгача штраф солиш тариқасида маъмурий жазо берилади.

Шундай ҳаракатлар маъмурий жазо тадбирлари қўлланилгандан кейин бир йил давомида яна такрорланган тақдирда, ўттиз сўмдан эллик сўмгача штраф солиш тариқасидаги маъмурий жазога тортишга сабаб бўлади.

Мазкур модданинг биринчи қисмида кўзда тутилган хатти-ҳаракатларни содир этган шахс жамоат жойларида спиртли ичимлик ичганлик ёки маст ҳолда пайдо бўлганлик учун бир йил мобайнида икки марта маъмурий жазога тортилган тақдирда шундай ҳаракатлари учун эллик сўмдан юз сўмгача штраф солиш тариқасида маъмурий жазо берилади. Уларга бу жазони халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳарлардаги район Советлари ижроия комитетлари ҳузуридаги ичкиликбозликка қарши кураш олиб борувчи комиссиялар томонидан кўриб чиқилади.

6. Ушбу Фармоннинг 3- ва 4-моддаларида кўзда тутилган ҳуқуқ-тартиботни бузган шахсларга нисбатан маъмурий жазо бериш билан бирга интизомий жазо чоралари ҳам қўлланилиши мумкин.

II. БАЛОҒАТГА ЕТМАГАН БОЛАЛАРНИ ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ЖАЛБ ҚИЛГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

7. Балоғатга етмаган болаларни маст қилишга сабабчи бўлган ота-оналар ва бошқа шахслар, агар бундай ҳаракат ўз хусусияти жиҳатидан жиноий жавобгарликка тортишга олиб келмаса, эллик сўмдан юз сўмгача штраф солиш тариқасида маъмурий жазога тортилади.

8. Ўз қўл остидаги балоғатга етмаган болаларни маст қилишга сабабчи бўлган шахслар икки йилгача озодликдан маҳрум этилиб, ёки худди шу муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиниб, жиноий жавобгарликка тортилади ёхуд икки юз сўмдан уч юз сўмгача штраф солинади.

Балоғатга етмаган болаларни ичкиликбозликка жалб қилганлар жиноий жавобгарликка тортиладилар ҳамда беш йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланадилар.

9. Ўн олти ёшгача бўлган ўсмирларнинг жамоат жойларида маст ҳолда пайдо бўлганлиги ёки спиртли ичимликлар ичганлиги учун ўттиз сўмдан эллик сўмгача штраф солиш тариқасида маъмурий жазо берилиб, бу пул уларнинг ота-онасидан ёки ота-она ўрнини босувчи шахслардан ундириб олинади.

10. Ушбу Фармоннинг 7- ва 9-моддаларида кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқ-тартиботни бузганлик ҳақидаги иш ва уларнинг ота-оналарига ёки ота-оналари ўрнини босувчи шахсларга нисбатан район (шаҳар), шаҳарлардаги районларнинг балоғатга етмаган болалар иши комиссиялари томонидан, бошқа шахсларга нисбатан эса халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳарлардаги район, посёлка, қишлоқ, овул Советлари ижроия комитетлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар, халқ депутатлари посёлка, қишлоқ, овул Советлари ижроия комитетлари ёки халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳарлардаги район Советлари ижроия комитетлари ҳузуридаги ички ишлар бўлими (бошқармаси)нинг бошлиғи ёки унинг ўринбосари бир сутка ичида кўриб чиқадилар ва улар ҳуқуқ-тартиботни бузган шахсга нисбатан маъмурий огоҳлантириш ёки штраф солиш тариқасида маъмурий жазо қўллайдилар, ушбу модданинг учинчи қисмида кўзда тутилган ҳолларда эса ё штраф солинади, ёки белгиланган муддатда ишни кўриб чиқиш учун тартиб-бузарнинг иштирокини таъминлаган ҳолда район (шаҳар) халқ судида кўриб чиқиш учун юборадилар.

Халқ суди иш судга келгандан кейин бир сутка давомида уни ёлғиз ўзи кўриб чиқади.

Ушбу Фармоннинг биринчи моддаси учинчи қисмида кўзда тутилган ҳуқуқ-тартиботни бузганлик учун маъмурий қамоқ жазоси бериш ҳақидаги қарор ички ишлар органлари майда безорилик қилганлик учун берилган қамоқ жазосини ижро этиш хусусида белгиланган тартибда ижро этилади.

III. СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАР БИЛАН САВДО ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

11. Спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ бўлган ишларга ўн саккиз ёшга етмаган шахсларни қабул қилиш тақиқланади.

12. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ходимлари арақ ва бошқа спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидаларини бузганликлари учун уларга эллик сўмдан юз сўмгача штраф солиш тариқасида маъмурий жазо берилади. Уларга бу жазони халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳарлардаги район, посёлка, қишлоқ, овул Советлари ижроия комитетлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар, халқ депутатлари посёлка, қишлоқ, овул Советлари ижроия комитетлари ёки халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳарлардаги район Советлари ижроия комитетлари ҳузуридаги ички ишлар бўлими (бошқармаси) бошлиғи ёки унинг ўринбосари кўриб чиқади.

IV. СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАР БИЛАН САВДО ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

13. Бойлик орттириш мақсадида арақ ва бошқа спиртли ичимликларни унча кўп бўлмаган миқдорда сотиб олганлик ва уни қайта сотганлик учун чайқовчилик буюмлари мусодара қилиниб, эллик сўмдан юз сўмгача штраф солиш тариқасида маъмурий жазо берилади.

21. Ушбу Фармоннинг 18-20-моддаларида кўзда тутилган ҳуқуқ-тартиботни маъмурий бузиш ҳақидаги ишлар қонунда белгиланган тартибда ички ишлар органларининг мансабдор кишилари томонидан кўриб чиқилади.

22. Ушбу Фармоннинг 18-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган транспорт воситаларини маст ҳолатда бошқарган шахслар йил давомида уни такрорлаган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилиб, бир йилгача муддат билан озодликдан маҳрум этиш ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши мумкин ёки уч юз сўмгача штраф солиш тариқасида жазоланиб, уч йилдан беш йилгача муҳлатда транспорт воситаларини ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Ушбу моддада кўзда тутилган жинояти учун илгари судланган шахс бундай хатти-ҳаракатини такрорлаганлиги учун уч йилгача муддат билан озодликдан маҳрум этилиб, жиноий жавобгарликка тортилади ҳамда беш йилгача муддатга транспорт воситаларини ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

23. Маст ҳолатда бўлган ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқаришига йўл қўйган, транспорт воситаларининг техника ҳолатига ёки ундан фойдаланиш учун масъул бўлган шахс томонидан содир этилган тақдирда, агар бу ҳол Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг 203-моддасида кўрсатилган оқибатларга олиб келган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилиб, беш йилгача озодликдан маҳрум этилади ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш иши тариқасида жазоланади ёки юз сўмдан уч юз сўмгача штраф солиш тариқасида жазоланиб, транспорт воситаларининг техника ҳолатига ёки ундан фойдаланиш учун масъул шахслар йил давомида уни такрорлаган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилиб, бир йилгача муддат билан озодликдан маҳрум этилади ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши мумкин ёки уч юз сўмгача штраф солиш тариқасида жазоланиб, уч йилдан беш йилгача муҳлатда транспорт воситаларини ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан жазоланади.

Кўрсатилган шахсларни профилакторийга юбориш масаласи район (шаҳар) халқ суди томонидан медицина хулосаси бўлган тақдирда жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари, давлат органлари, шунингдек, оила аъзолари ёки яқин қариндош-уруғлари тавсияси билан очиқ суд мажлисида кўриб чиқилади.

IX. ИЧКИЛИКБОЗЛИК ВА АЛКОГОЛИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ БОШҚА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

27. Ушбу Фармонда кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, протокол тузиш, шунингдек ишнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари юзасидан чиқарилган қарорларнинг ўз вақтида ва тўғри бажарилишини таъминлаш мақсадларида ички ишлар (милиция) органи шундай тартиббузарлик қилган шахсларни уч соатгача муҳлат ичида маъмурий ушлаб туриши мумкин, зарур ҳолатда ушланган шахсни текширувдан ўтказиши, буюмларини текшириб чиқиши, буюмлари ва ҳужжатларини олиб қўйиши мумкин.

28. Кўчалар ва бошқа жамоат жойларида ўртача ёки қаттиқ ҳолатда маст бўлган шахслар медицина ҳушёрхонасига жойлаштирилади, бу ерда турганлиги учун улардан белгиланган миқдорда ҳақ олинади.

29. Ҳуқуқ-тартиботни бузган шахслардан самогон ва бошқа хонаки ўткир спиртли ичимликлар, уни ишлаб чиқарадиган аппаратлар ички ишлар органлари (милиция) томонидан тортиб олиниб, бу ҳақдаги иш кўриб чиқилганидан кейин йўқ қилиб ташланади.

30. Ушбу Фармонда кўзда тутилган ҳуқуқ-тартиботни бузганлик учун маъмурий чора кўриш ҳақида ички ишлар органининг бошлиғи, унинг ўринбосари ёки халқ судьяси тартиббузар ишлаётган, ўқиётган ёки яшаётган жойнинг маъмуриятига ёки жамоат ташкилотига хабар қилади.

31. Ушбу Фармоннинг 1. 3, 4-моддаларида кўзда тутилган ҳуқуқ-тартиботни бузгани учун маъмурий жазо чоралари қўлланилган шахслар корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти томонидан касаба союз комитетларининг розилиги билан шу корхона, муассаса, ташкилотнинг йиллик иш якунларига кўра бериладиган мукофотлар ва бошқа рағбатлантиришлардан, дам олиш уйлари ва санаторийларга имтиёзли йўлланмалар олишдан тўла ёки қисман маҳрум этилишлари мумкин; уларнинг уй-жой майдони олиш навбати орқага сурилиши мумкин.

X. ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ҚАРШИ КУРАШ КОМИССИЯЛАРИ

32. Давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ичкиликбозликка қарши кураш олиб боришга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, ичкиликбозлик кўринишларининг олдини олиш ва унга барҳам бериш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область, район, шаҳар ва шаҳарлардаги район Советлари ижроия комитетларининг ҳузурида тузиладиган ичкиликбозликка қарши кураш комиссиялари томонидан амалга оширилади. Ичкиликбозликка қарши кураш комиссиялари халқ депутатлари посёлка, қишлоқ, овул Советлари ижроия комитетлари ҳузурида ҳам тузилиши мумкин.

Бу комиссиялар ўз фаолиятида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми тасдиқлайдиган ичкиликбозликка қарши кураш комиссиялари тўғрисидаги Низомга амал қиладилар.

33. Ичкиликбозлик кўринишларининг олдини олиш ва унга барҳам бериш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда ичкиликбозликка қарши кураш комиссиялари тузилиши мумкин.

Бу комиссиялар ўз фаолиятида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми тасдиқлайдиган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ичкиликбозликка қарши кураш комиссиялари тўғрисидаги Низомга амал қиладилар.

Фармон 1985 йилнинг 1 июнидан бошлаб кучга киради.

ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

24 май куни Москвада СССР Мудофаа министрлиги партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми якунлари ва Мудофаа министрлиги партия ташкилотларининг Пленум қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали С. Л. Соколов доклад қилди. КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми, деди у, партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари ишлаб чиққан стратегик йўл давомийлигини яққол тасдиқлади. Ленин партияси теварагида маҳкам жипслашган совет кишилари, армия ва флот жангчилари Пленум қарорларини яқдиллик билан маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқдалар.

КПССнинг XXVII съезди арафасида армия ва флотда партия органларининг ҳисобот ва сайловлари, партия конференциялари ўтказилади.

Олдинда муҳим, масъулиятли ишлар турибди, деди у, партия ташкилотларининг ҳаётий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Қуролли Кучлар учун 1985 йил — Коммунистик партиянинг XXVII съездига тайёргарлик йили — армия ва флотнинг куч-қудрати ва жанговар тайёргарлигини янада ошириш йили бўлиши зарур.

СССР Мудофаа министрлиги партия активи йиғилишининг қатнашчилари армия ва флот коммунистлари КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми қарорларини рўёбга чиқариш учун бутун куч, билим ва тажрибамизни сарфлаймиз, деб партия Марказий Комитетига ваъда бердилар.

(ТАСС).

ОЛҒА БОРИБ, ЯНАДА КЎПРОҚ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республика касаба союзларининг байрами партия XXVII съездига ҳамма жойда қизғин тайёргарлик кўрилаётган, бутун халқ КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми қарорлари, ўртоқ М. С. Горбачев докладида белгилаб берилган вазифаларнинг сафарбар этувчилик таъсири остида яшаб, меҳнат қилаётган бир пайтда ўтмоқда.

Меҳнаткашлар апрель Пленуми қарорларини яқдиллик билан қизғин қўллаб-қувватладилар, Ленин партияси теварагида янада маҳкамроқ жипслашмоқдалар, ўз фидокорона меҳнатлари билан она-Ватанимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, 1985 йил ва ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш иштиёқи билан тўлиб-тошганлар.

Республика ва унинг пойтахти меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XX пленумининг Ўзбекистон Коммунистик партиясининг навбатдаги XXI съездини чақириш тўғрисидаги қарорини баланд руҳ билан кутиб олдилар. Улар XVI пленумнинг туб бурилиш ясаган йўлини оғишмай амалга ошириш учун курашни давом эттириш иштиёқи билан тўлиб-тошганлар. Биз ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тартиб-интизом ва уюшқоқликни бундан буён ҳам йўлга қўяверамиз.

Партиямиз томонидан қўйилаётган вазифалар касаба союзларининг барча ташкилотчилик ва тарбиявий ишлари савиясини оширишни талаб этади. Ривожланган социалистик жамиятнинг ҳозирги босқичи вазифаларига мувофиқ суратда бу ишларни олиб бориш, бошланғич касаба союз ташкилотлари жанговарлигини, ҳар бир касаба союз аъзоси активлигини ошириш лозим.

Касаба союзларининг экономикани ривожлантиришга таъсир кўрсатадиган воситалари жуда кўп ва ранг-барангдир. Социалистик мусобақа энг синалган метод ҳисобланади. Бунда барча ишлаётганларнинг 96,3 процента қатнашяпти. Дастлабки коммунистик шанбаликлардан ва зарбдорлик ҳаракатлари бугун партиямиз раҳбарлиги остида қудратли умумхалқ оммавий ҳаракатига айланди.

Съездолди социалистик мусобақасида КПСС XXVII съезди шарафига — 27 зарбдор ўн кунлик ташаббуси билан чиққан илғорлар катта илҳом бахш этмоқдалар. Мусобақанинг олдинги сафида Тошкентнинг энг яхши ишлаб чиқариш коллективлари бормоқда. Улар орасида В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Миконд», чинни заводлари, 11-«Висотстрой», «Жилстрой» трестлари, В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитени ва бошқа корхоналар бор.

Касаба союз ташкилотлари илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш ишида партиянинг актив кўмакдошлари бўлмоқдалар. Бунда илмий-техника жамиятлари, рационализаторлар ва ихтирочилар жамиятлари муҳим роль ўйнамоқда. Республикада ва унинг пойтахтида ҳозир 60 мингдан зиёд киши ихтирочилик ва рационализатор л и к таклифларининг муаллифлари ҳисобланишади. Беш йилликнинг ўтган тўрт йили ичида бу туфайли бир миллиард сўмликдан зиёд самара олинди.

КПСС XXVI съезди ўн биринчи беш йилликда ва саксонинчи йилларда кенг социал программани илгари сурди. КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми партиямизнинг «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» олиб бораётган йўлининг давомийлигини тасдиқлади.

Йил сайин меҳнаткашларнинг меҳнат шароитларини ва меҳнат муҳофазасини яхшилашга ажратилаётган давлат маблағлари кўпайиб бормоқда. Натижада 415 минг кишининг меҳнат шароитлари яхшиланди. Шу жумладан 164 минг хотин-қизнинг меҳнат шароитлари яхшиланди.

Касаба союзлари ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш бўйича амалий чоралар кўрмоқда. Улар айниқса ишга қабул қилиш ва бўшатиш, хотин-қиз меҳнатчилар, ўсмирларнинг меҳнат, дам олиш режими, уларга имтиёзлар бериш масалаларида меҳнат қонунларига риоя қилиш устидан назоратни кучайтирмоқда.

Биз социал страхование билан ҳақли равишда фахрланамиз. Унда совет жамиятининг меҳнат кишиси у касал, инвалид ва кексайиб қолганида моддий жиҳатдан таъминлаш, шунингдек кишиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш тўғрисида доимий ғамхўрлигини кўзгудагидек яққол акс эттириб турибди.

Соғлиқни сақлаш органлари ва хўжалик ташкилотлари билан биргаликда меҳнаткашларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг касал бўлишининг олдини олиш ва касалликни камайтириш бўйича ишлар олиб борилди.

1971 йилда меҳнаткашларнинг курортларда даволаниши ва дам олиши учун (колхозчиларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) 13 миллион сўм ажратилган бўлса, 1984 йилда салкам 60 миллион сўм ажратилди.

Фақат кейинги йилларнинг ўзидагина 1150 ўринли «Чимён» санаторийси, Бухоро да, «Чинобод» санаторийсида янги корпуслар қад кўтарди. Ҳозир Зомин ён бағрида ота-оналар ва болаларга мўлжаллаб янги санаторий қурилмоқда.

Бугун босиб ўтилган йўлга назар ташлар эканмиз, қилинган ишлар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Бироқ, шу нарсани ҳам аниқ-равшан ҳис этиб турибмизки, касаба союзлари ишида ҳали фойдаланилмаган резерв ва имкониятлар оз эмас. Партия бизни эришилган ютуқлар билан хотиржамланмасликка ўргатмоқда. Эртага бугунгидан яхшироқ ва тобора кўпроқ натижаларга эришишга ундамоқда.

Бизнинг олдимизда янги, катта ва масъулиятли вазифалар турибди.

ШИОРИМИЗ — ДЎСТЛИК


Совет кишилари Вьетнам Социалистик Республикаси вакилларини — ВСРнинг СССРдаги маданият кунлари қатнашчиларини қардошларча самимий ва сидқидилдан кутиб олмоқдалар. 24 май куни меҳмонлар Совет —Вьетнам дўстлиги жамиятининг коллектив аъзоси бўлган Москвадаги А. И. Ефремов номли «Красный пролетарий» станоксозлик заводига бордилар. Улар корхонанинг ўнлаб мамлакатларга, шу жумладан Вьетнамга етказиб берилаётган маҳсулоти билан қизиқиб танишдилар.

Меҳнат коллективи вакиллари билан учрашувда сўзга чиққан ВСР маданият министри Нгуен Ван Хиеу янги социалистик жамият барпо этишда доимо ёрдам бераётганликлари учун совет кишиларига сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этди. У Совет Иттифоқида ўтаётган Вьетнам маданияти байрами мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликнинг яна бир ёрқин ифодасидир, деб таъкидлади.

ВСР ташкил этилганлигининг 40 йиллиги шарафига ўтказилаётган маданият кунларининг программаси катта ва хилма-хилдир. Шу куни Москвада Вьетнам театр ходимлари делегациясининг етакчи совет режиссёрлари, актёрлари, таниқдичилари билан «Театр халқни ғоявий-эстетик тарбиялаш воситасидир» мавзуидаги ижодий учрашуви бўлди. Пойтахтдаги композиторлар марказий уйида Вьетнам авторларининг асарлари янгради. Узоқ ўтмиш асрларга илдиз отган Вьетнамнинг анъанавий Тэо ва Туонг театри москвалиқларга ўз санъатини намойиш қилди.

Москвадаги «Дружба» китоб магазинида Вьетнам китобларининг кенгайтирилган кўргазма-савдоси ташкил этилган. Бу ерда классиклар ва ҳозирги замон миллий авторларининг асарлари билан бир қаторда совет ёзувчиларининг китоблари ҳам қўйилган.

(ТАСС).



КПСС XXVII съезди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасида Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Госкомсельхозтехника» ремонт заводининг коллективи фаол иштирок этмоқда. Заводдаги кўплаб меҳнат илғорлари шахсий беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашмоқда. Корхонада ташкил этилган социалистик мусобақада И. Прямушко раҳбарлик қилаётган бригада коллективи байроқдорлик қилаётир.

СУРАТДА: илғор бригаданинг тажрибали слесарлари, ака-ука Анатолий ва Виктор Коршиковлар. Ёш коммунистлар ўз зиммаларидаги топшириқларни муntазам ортиғи билан бажариб келишади.

М. Нуриддинов фотоси.

МАҲАЛЛАДА АТЕИСТИК КЕЧА

Октябрь районидаги «Ҳақиқат» маҳалласида жойлашган Навоий номли маданият уйи қошида бир неча тўгараклар ишлаб турибди. Унинг бичиш-тикиш, драма, вокал, хор, рақс, рубоб, дуторчи қизлар каби тўгаракларида қарийб 400 га яқин ўқувчи-ёшлар иштирок этишяпти. Уларга тажрибали ва омилкор ўқитувчилар раҳбарлик қилмоқдалар.

Яқинда ана шу маданият уйида «Атеистик билимлар — оммага» мавзуида атеистик кеча ўтказилди. Унда маҳалла активлари ва маданият уйи тўгаракларининг иштирокчилари қатнашдилар. Кечада республика илмий-атеизм уйи ходимларидан Муаттар Жабборова ва Абдурашид Абдуллаевлар «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI — XIX пленумлари ва атеистик тарбия масалалари», «Шарқ хотин-қизлари ва ислом» мавзуларида қизиқарли лекция ўқидилар. Айни вақтда атеист-лекторлар кеча қатнашчиларининг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтардилар.

Э. ҲАЙДАРОВ.

АМАЛДАГИ ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ

«ТОШКЕНТ» СОВХОЗИ ЮКСАЛМОҚДА

«Узновгородводстрой» трестига қарашли «Тошкент —9» ихтисослаштирилган механизациялашган кўчма колонна мелиораторлари Новгород яқинида қурилаётган «Тошкент» совхозида қарам кўчатларини очиқ ерларга экишни тезлаштирмоқдалар.

Совхоз деҳқонлари суғориладиган ҳар гектар ерга 100 тонна торф, гўнг компости солдилар, турли минерал ўғит ва гербицидларни тайёрлаб қўйдилар. Бу ерда сабзавот етиштиришнинг саноат технологияси йўли амалга оширилаяпти, ҳосил ҳам машиналар билан йиғиштириб олинади.

Хўжалик меҳнатчилари бу йил савдо тармоқларига камида 10 минг тонна турли сабзавот етказиб беришни мўлжалламоқдалар.

(ТАСС — ЎзТАГ мухбири).

НОВГОРОД.

ТУРКИЯ ПАРЛАМЕНТИ АЪЗОЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Туркия Буюк миллат мажлисининг раиси Нажмиддин Қорадуман бошчилигидаги шу мажлис делегацияси Тошкентга келди. Делегация СССР Олий Советининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турибди.

СССР, Ўзбекистон ССР ва Туркия Республикасининг давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида делегацияни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси П. Қ. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Туркия парламенти аъзолари 25 май куни В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетида бўлиб, Совет Ўзбекистонида олий таълимнинг тўнғич даргоҳи бўлган бу кекса олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилари ва студентлари билан учрашдилар.

Шу куни туркиялик меҳмонлар Бухоро ва Самарқандга сафар қилиб, тарихий ёдгорликлар ҳамда янги қурилиш районлари билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

2 ТОШКЕНТ ВЕТ. ОҚШОМИ

27 МАЙ, 1985 й.

Бўстон

Бу бўстон саҳнида гул кўп, гаплар кўп...
Алишер Навоий

Ленин номи билан

Кўкламнинг гўзаллиги, тонг шамоли Лениндан,
Нафосат, раънолиги, гул жамоли Лениндан.
Жонажон юртимизни Ленин диёри дерлар.
Гулбаҳор она-Ватан ёш камоли Лениндан,
Камалакнинг ранго-ранг жилосидек энг нодир.
Бахту иқбол булоғи, энг буюк ишга қодир.
Истиқболи чўнг, ёрқин ҳур ватан фарзандимиз.
Шонли меҳнат зафарли, ибратли бебаҳодир.
Асрлар кўзгусида шонли йиллар ҳайқирар.
Авлодларни эъзозлаб, коммунага чақирар.
Ленинчи Компартиям улуғ йўлда илҳомчи,
Советлар солномаси, қуёш каби ярқирар.
Гулшан боғлар кўркида акс этар Ленин номи.
Ой ва Зуҳра кўксида акс этар Ленин номи.
Олам аро нур тарат, баҳордек яшнаб мудом.
Обод юртим шарафлаб, баҳс этар Ленин номи.
Барҳаёт Ленин номи, куй қўшиқда ардоғи.
Порлайди маёқ бўлиб, қўлларда ол байроғи.
Шиоримиз: «Лениндек ўқиш, яшаш ва қуриш»
Мангу элни ёритар улуғ Ленин чироғи.

Бобохон АБДУРАИМОВ,
ўқитувчи.

● Кекса юрак мавзлари

Дўст билан

Ҳал бўлур мушкул ишинг бўлса қадрдон дўст билан.
Ҳур диёринг бўлғуси обод, фаровон дўст билан.
Очилур кўнгил чунон кўрсанг муборак юзларин,
Меҳнатидан шод элинг уйинг чароғон дўст билан.
Ҳар бир дўст яхши ният бирла Ватанни гуллатур,
Мақсади тинчлик эрур, олтин маконни гуллатур.
Беғубор меҳнат ила озод замонни гуллатур,
Нурланар ҳар тонг элим, покиза инсон дўст билан.
Яхши одамлар ичинда юрсанг кўнглинг шод эрур,
Нозу неъмат, яхши куй бирла уйинг обод эрур,
Қўйса қулбангга қадам ғамгин дилинг озод эрур,
Сўзларидан яшнагай жон, катта достон дўст билан.
Мен Расулий дўстларим кўрсам таним роҳат топар,
Бир ёмон кўрсам мабодо, шул замон энсам қотар,
Яхши одам даврасида ўлтуриш менга ёқар,
Бу қадар кўркам диёрим боғу бўстон дўст билан.

Султон РАСУЛИЙ,
меҳнат ветерани.

Чиройли

Меҳнат билан етилган чаманзорим чиройли,
Гуллар билан безанган ҳур диёрим чиройли.
Олий ҳиммат, ҳур қизлар даврасида танланган,
Гулшани гулларидан гулнор ёрим чиройли.
Бир-биридан чиройли ой қизларим ичинда,
Турмуш учун қўл қўйган вафодорим чиройли.
Аҳди паймони маҳкам, виждони пок, соф ният,
Хулқи одоб зийнатлик дил баҳорим чиройли.
Сер неъматли боғларда меҳнат қилиб чиниққан,
Анор юзли нигорим, гулузорим чиройли,
Муҳаббати юртимга, меҳри ҳаётга пайванд,
Ширин сўзи жонимга, зулхуморим чиройли.
Хушнуд роси умрдан, дилдоридан ҳамиша,
Фикри зикри ҳикматли бахтиёрим чиройли.

Хушнуд МУЗАФФАРИЙ.

● Тошкент Давлат консерваториясида кўплаб санъат ихлосмандлари таълим олишмоқда. Улар мусиқа билимми сирларини қунт билан эгаллашиб, малакали мутахассис бўлиб етишишяпти.

СУРАТДА: ёш ижрочилар ўртасида ўтказилган республика конкурсининг қатнашчиси, консерваториянинг тўртинчи курс студенти Эскендер Бекманбетов скрипкада куй ижро этмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.



Хамелеон

(ЧЕХОВДАН БОШҚАЧА)

— Ие, тойчоқ! Қани бери келинг-чи!., Баракалла, баракалла. Яхши юрибсизми! Дадангизнинг соғлиқлари яхшими! Йўл бўлсин!

— Мактабдан келяпман.

— Мактабдан денг! Оббо сиз-ей, ўқишлар яхшими! Ҳамаси «беш» бўлса керак, а! «Беш»ми!

— Йўқ, бугун математикадан «уч» олдим.

— Нима!! Ким сизга «уч» қўйди! Қайси аҳмоқ у! Кимсан Фалончиевнинг ўғлига «уч» қўядими, қанақа муаллим ўзи у! Сиз уни боплаб сўкмабсиз-да!

— Мен унга «қўйсангиз, дадамларга айтиб бераман» дедим.

— Боплабсиз! Қойилман! Ранги ўчиб кетгандир-а!.. Юринг, тойчоқ, музқаймоқ олиб бераман, ёнғоқлисидан... Дарвоқе, дадангизнинг соғлиқлари қалай! Ишда бўлсалар керак, а! У кишиниям ишлари кўп оғир, масъулиятли вазифа, лекин ўзларни тилло одам! Тилло!..

— Йўқ, уйдалар.

— Дам оляптилар денг!

— Ишдан бўшабдилар.

— А! Ростданми! Оббо тойчоғ-эй, ҳазилниям қотираркансизда аммо, ҳи-ҳи-ҳи...

— Ростдан, ишдан бўшабдилар. Амаки, юракларинг музқаймоқ тамом бўп қолмасин.

— Ҳмм... Биласанми, музқаймоқни... эртага олиб бераман, майлими! Бўлди-бўлди, қанақа беодоб, бемаъни боласан ўзинг!!

— Узингиз айтдингиз-ку!..

—Айтган бўлсам айтгандирман-да, нима қипти! Ҳой, менга қара, даданг нима қиларкан энди!

— Бошқа ишга борарканлар.

— Ҳмм.. Бирор «паст»роқ жойга экспедиторми, товароведми бўлгандирда. Узидан кўрсин, ким айтибди унга «кеpилавер» деб. Узиям жа.., кекайиб кетувди...

— Энди дадамлар.., анув кўчадаги Кармининг дадаси бор-ку, «Волга»да юрадиган, ўшанинг ўрнида ишларканлар.

— Ие! Валн Ғайратовичнинг ўринларида-я! Табриклаймиз, табриклаймиз... Бошда шундай деб қўя қолмайсизми! Дадангизга тортгансиз-да.., Юринг, музқаймоқ олиб бераман, шоколадлисидан.


— Йўқ, мен кетаман. Кечга қолсам ойимлар уришадилар.

— Ҳай, майли. Дадангизга айтиб қўйинг-а, нарғи маҳалламлик бир одам табриклаб юбордилар, денг. Боқиев десангиз, ўзларн биладилар. Эсингиздан чиқмасин-а: Боқиев!

— Айтмайман. Сиз ёлғончи одамсиз.

— Ҳой, тойчоқ! Тўхтанг, тўхтанг ахир... Кетди-я азамат. Дадасининг худди ўзи-я. Қайсарлигиям, заҳарлигиям. Тилининг аччиқлигини қара-я! Яшавор, тойчоқ!..

Исажон СУЛТОНОВ.





● БУ ФИЛЬМНИ КЎРДИНГИЗМИ!

«Шаҳризоднинг янги эртаги»

Шарқ халқларн асрлар мобайнида тўплаган жозиб мероснинг маълум бир қисмн машҳур «Минг бир кеча» асарида ҳам акснни топган. Европа китобхонларн бу ажойиб эртаклар тўпламн билан илк бор XVIII асрда танишган.

Шаҳризоднинг эртакларн ундаги шарқ гўзалларн, ҳеч нарсадан кўрқмас, ботир қаҳрамонлар бошидан кечган саргузаштлар, айёр ва омадлн кишилар, ҳамма нарсага қодир сеҳргарлар — буларнинг барн бизда ҳамон зўр қизиқиш уйғотади. Шу сабабдан бўлса керак, кинематографчилар ҳам «Минг бир кеча»га такрор-такрор мурожаат этишадн. «Оловиддиннинг сеҳрли чироғи», «Багдод ўғрнси», «Синдбоднинг етннчи саёҳати» каби фильмлар фикримиз далили бўлиши мумкин. Энди эса тожик кино устaларн бу сержило асарга мурожаат этиб, картнна яратишди.

Фильм Валерий Карен сценарийси асосида режиссёр Тоҳир Собиров нжодий группаси томонидан «Тожикфильм» студиясида ишланган.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

СУРАТЛАРДА: фильмдан кадрлар.

ҲАҚҚУШЛАР

(Ҳикоя)

Тун. Ҳаммаёқ осуда. Дов-дарахтлардан тортиб, майса-ю, гулларгача ўз чодрасига ўралиб мудраётганга ўхшайди. Фақат бу сокинликни аҳён-аҳёнда ҳаққуш овози бузмаса, бошқа тиқ этган товуш эшитилмайди.

Беҳзод ҳар кеча инг-роқ овоз мисоли бу қичқирикни эшитаркан, бехтиёр ёдига бувасидан эшитган афсона тушарди.

Бир вақтлар икки уришқоқ эр-хотинни табиат жазолаб, кўр қушларга айлантириб қўйганмиш. Энди бўлса, ўша ҳаққушлар кундуз куни уятдан одамлар кўзига кўрина олмай, кечалари ҳамма уйқуга кетганда бир-бирларини овоз бериб қидиришар, эндигина топишай деб қолишганда тонг отиб қоларми ш.

Бу тилдан-тилга ўтиб юрган бир афсона бўлса-да, Беҳзодга ҳаққушларнинг дилни ларзага солувчи овози машъум бир воқеани эслатарди...

Ўша куни отаси Беҳзодни цирккa олиб бормоқчи эди. Беҳзод мактабдан чиқди-ю, уйга югурди, «Отам аллақачон циркка билет олиб келгандирлар» деган хаёлда шошиб уйга кирди-ю онасининг овозини эшитиб, остонадаёқ тўхтаб қолди. Отаси дивандa бошини қуйи солганча ўтирар, онаси эса қўлини пахса қилганча унга алланималар деб бақирарди. Ана, отаси ўрнидан туриб эшикка яқинлаша бошлади. Беҳзод ўзини остонадан четга олди. Отаси уйдан чиқатуриб Беҳзодга кўзи тушди-ю, бир зум унга маъюс термулиб қолди. Нима гаплигини тушуна олмаган Беҳзод гарангсиб атрофга аланглади. Ҳозиргина уйни бошига кўтариб бақираётган онаси қўрқув тўла кўзлари билан уларга қараб турарди. Ҳовлида нимадир тарақлади. Беҳзод чўчиб қарадн-ю, отаси кўча эшик томон кетаётганини кўриб, бехтиёр унга талпинди. Онаси шошганча келиб, Беҳзодни бағрига босди:

— Қўявер, ўғлим! Ёлғиз қолмасмиз...

Орадан кўп ўтмай онаси бефарзанд колхоз раисига турмушга чиқди. Ўгай отаси Беҳзодни қанчалик эркалamасин, қанчалик ширин муомалада бўлмасин, бу унинг хўрлигини келтирар, ўзи злакишиб кета олмас, бу хонадонда негадир ўзини ёлғиз сезарди. Унинг бу янги хонадонда бирдан-бир овунчоғи гулзор ўртасидаги айвон шифтига уя қурган қалдирғочлар эди, холос. Беҳзод соатлаб гуллар орасида ўтирганча ўз палапонларини меҳр билан парвариш қилаётган қалдирғочларни кузатаркан, бехтиёр қалбида болаларча илиқ туйғулар уйғонар, ўзи ҳам худди шу қушлардек беғубор осмон қўйнида чарх уриб учишни шундай орзу қилардики... Афсуски, унинг қанотлари йўқ...

Беҳзод деразадан тушган офтобдан кўзлари қамашиб уйғониб кетдию, ҳовлидан келаётган ғўнғир-ғўнғир овозларни эшитиб ҳайрон бўлганча ташқарига қараб юрди. Ўша қалдирғочлар уя қурган баланд айвонга жой ҳозирланган, нотаниш кишилар дастурхон тузаш билан овора. Ҳовли этагида яна икки-уч киши кабоб пиширишга ўчун ҳозирлик кўришмоқда. Ўгай отаси қўлини белига тираганча дастурхон ясатаётганлар тепасида туриб, уларга алланималарни уқтирарди. Ошхонада оқ халатли кишилар орасида куймаланиб юрган онаси Беҳзодни кўриб, югурганча унинг олдига келди.

— Турдингми, болагинам. Кел, ювиниб олгин.

Кейин унинг ҳайрон бўлиб турганини кўриб қўшиб қўйди:

—Бугун дадангни бошлиқлари келишади.

Тушдан кейин эчфатга ҳамма нарса тайёр бўлди ҳамки, меҳмонлардан дарак бўлмади. Ўгай отаси у ёқдан бу ёққа бетоқат юрар, фонтан ёнида тўхтаганча кўча эшикка тикилар, қўлидаги райҳонни ҳали кафтига, ҳали тиззасига уриб, аёвсиз эзғиларди.

Ниҳоят эшик олдига гувиллаганча машина келиб тўхтади-ю у беўхшов лапанглаганча меҳмонлар ҳузурига шошилди. Беҳзод унга қараб туриб ҳайрон қолди. Ҳозиргина икки қўли белида ҳаммага буйруқ бериб юрган одам бир пасда ўзгариб қолган, меҳмонлар билан эгилиб икки қўллаб кўришар, илжайганча уларга мулозамат қиларди.

Меҳмонлар дастурхон атрофига ўтиришгач, у ичимликлар олгани очиб қадаҳларни тўлдира бошлади. Уларга атаб тайёрланган хилма-хил овқатлар бирин-кетин дастурхонга тортилди.

Айвон тепасидаги қалдирғоч ичида эса сариқ тумшуқ палапонлар чирқиллашар, она қалдирғоч меҳмонлардан ҳайиқибми, ичига яқинлаша олмас, сўри ёғочига қўниб тинмай вижирларди.

Меҳмонлардан бирининг қалдирғочлар томонга ижирғаниб қараётганини сезган ўгай отаси сакраб ўрнидан турди-да, Беҳзодни чақирди.

— Ўғлим, ҳов анави ердан узунроқ бир калтак олиб кел.

Беҳзод калтакни келтириб берди-ю, қизиқсиниб унга қараб қолди. У бўлса калтакни олиб негадир қалдирғочлар ини томон юрди. Беҳзоднинг кўнгли дафъатан бир нарсани сезиб, юраги дук-дук уриб кетди: «Наҳотки? Наҳотки... бузиб ташласалар?» Беҳзод ўзи сезмаган ҳолда ўгай отасининг кўлларига ёпишди:

— Йўқ-йўқ тегманг! Бузманг уясини, ойижон айтинг бузмасинлар!

Қалдирғоч аянчли чирқиллаб уяси олдига учиб келиб, чир айланар, яна қайта учиб бориб сўриға қўнар, шафқат тилагандай мунчоқ кўзлари билан атрофдагиларга жавдираб қарарди.

Аллақачон кайфлари оша бошлаган, тақир бошларини артиб елпиниб ўтирган меҳмонлар Беҳзоднинг қилигидан қах-қах уриб кулиб юбордилар. Бундан ори келган ўгай ота эса уни силтаб ташлаб, шахд билан айвонга чиқди-да, калтак билан қалдирғоч ининн тагидан кўтариб ташлади. Ҳали темир қанот ҳам чиқармаган жиш палапонлар ин билан бирга «пўп» этиб ерга тушдилар. Беҳзод турган ерида тош қотиб қолган, қалдирғочлар эса фарёд билан чирқиллаб жонсиз палапонлари томон отилиб, ерга шўнғир, яна нола қилиб осмонга учар, чағир-чуғурлари ҳовлини тутиб кетган эди. Ошхонада бу машъум воқеани кузатиб турган оқ халатли кишиларнинг кексароғи ёнидаги шеригига аста шивирлади.

— Диёнати йўқ экан. Бекорга бефарзанд эмасда.

Беҳзод аламдан лаблари титраб, ўгай отасига сўнгги бор ёмон қаради-ю, ошхона ёнида дахшатдан қотиб қолган онасига қараб отилди. Унинг қучоғига ўзини ташлаб:

— Кетамиз, ойижон! Уз уйимизга кетамиз!— дея ҳўнграб юборди.

Қалдирғочлар энди мотам тутгандек, сўри ёғочига қўниб жим қолишган эди. Кейин нима бўлди-ю, улар чирқилларганча осмонга кўтарилдилар, палапонлари билан видолашгандек ҳовлини бир айланиб чиқиб, қаёққадир бош олиб учиб кетдилар. Меҳмонлар эса гўё ҳеч нарса бўлмагандай қадаҳ уришгирардилар. Ўгай ота қўли кўксида, бошлиқларга ним тавозе билан бош эгиб турар, Беҳзодга орқа ўгириб олган эди.

Онаси бўлса, Беҳзодни бағрига босганча бошини силар ва ёшли кўзларини бир нуқтадан узо олмай пичирлар эди:

— Тинчлан, кўзичоғим, тинчлан. Майли, кетамиз, отангнинг олдига борамиз, тинчлан, —дер эди-ю, лекин ич-ичидан «Қандай кетамиз, қайси юз билан қайтиб борамиз? Тушунсангчи, кўзичоғим» деяётганга ўхшар эди.

Ҳилола МАНСУРОВА.

● Ҳилола Мансурова — Тошкентдаги А. Навоий номли 203-ўрта мактабнинг 10-синфида ўқийди. Унинг ҳикоя ва шеърлари вақтли матбуотда эълон қилинган.

ҲИНДИСТОН ТИЛЛАРИДА

«Радуга» нашриётининг Тошкент бўлими ўзбек ёзувчилари ҳикоялари тўпламн — «Бахт қуши» китобини ҳинд ва урду тилларида босиб чиқарди. Унда ўзбек адибларн бир неча авлодларининг асарлари ўрин олган. Булар орасида Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Раҳмат Файзий, Ўлмас Умарбеков ва бошқаларнинг асарлари бор. 29 авторнинг ҳикоялари ҳинд китобхонларига ҳозирги замон ўзбек прозаси билан таништиб чиқишига имкон беради.

● ИЛМ-ФАН—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Офтоб тутқич

Юзи рекорд миқдорда электр энергияси берадиган қуёш элементининг қирраси қатлама кесимига ўхшайди. Кишинев университетининг ходимлари яратган қурилма бир-бирининг устида жойлашган нур ўзгартқичлардан иборат бўлиб, ҳар бири қуёш спектрининг маълум бир қисмини ютади. Шу туфайли бу янгилик мавжуд бошқа гелиоэлементларга нисбатан кўпроқ нур энергиясини қабул қилади. Шу офтоб тутқич ҳатто кўзга кўринмас ультрабинафша ва инфрақизил нурларни ҳам электрга айлантиради.

Молдавиянинг кўпгина олий мактаблари республика Фанлар академиясининг олимлари билан ҳамдўстликда геннотехникани такомиллаштириш ишларини олиб бормоқдалар. Шу йил Кишинев политехника институти мутахассисларининг таклифига биноан, Москва корхоналарида илгаригидек қимматбаҳо монокристаллга эмас, балки одатдаги шишага ўзгартқичлар ишлаб чиқарила бошлади. Республикада халқ хўжалигида гелиотехникадан фойдаланиш тадқиқотлари тикланадиган манбаларини излаш умуминтифоқ программаси доирасида ўтказилмоқда.

● УЙ-РЎЗҒОР ТАШВИШИДА

КИСЛОТАДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Кислоталар асосан икки турга— минерал ва органик кислоталарга бўлинади. Минерал кислоталар ўткир бўлиб, синтетик ва зиғир толасидан тўқилган газламаларни парчалайди. Кислота теккан жойни дарҳол ичимлик содасидан тайёрланган эритма билан ювишни унутманг. Бир стакан сувда бир қошиқ сода эритилади. Агар уйда сода бўлмаган тақдирда, новшадил спирт эритмасидан дарҳол суртиб ювиш лозим.

Органик кислоталардан ҳисобланган шовул ҳам бошқа кислоталарга қараганда газламаларга таъсир кўрсатади. Сирка кислота эса асосан синтетик матоларга, айниқса ацетат толали ипакка, шунингдек матоларнинг рангига салбий таъсир кўрсатади. Сирка кислота теккан матони дарҳол сув билан ювиш керак. Шуни ҳам унутмаслик керакки, кислота теккан жойни дарҳол совунлаб сувда ювилса, ҳеч қачон кетмайдиган дог ҳосил бўлиб қолади.

Мамлакатимизда бир неча хил химиявий толалардан тўқилган газламалар ишлаб чиқарилмоқда. Масалан, вискоза толаси, лавсан, хлорин, ацетат толаси, капрон ва нитрон толаларидан тайёрланган маҳсулотлар кўпайиб бормоқда. Бундай материалдан тайёрланган матолар қуруқлигида пухта ишқаланувчан ва мустаҳкам, лекин ҳўллигида узилувчан, чўзилувчан бўлади. Буларнинг барчасига кислота салбий таъсир кўрсатади.

О. КАРИМОВА,
инженер-технолог.

Ранг-баранг олам

● АЭРОПОРТ ИЧИДАН ЧИҚМАЙ

Бир неча йилдирки, Қоҳирaнинг халқаро аэропорти залида учиб кетаётган пассажирлар учун Миср тараққиётн тарихига бағишланган виставка ишлаб турибди. Самолёт учишини кутаётган пассажирлар унчалик катта бўлмаган, лекин қизиқарли экспозицияларни томоша қилишиб, самолёт парвоз қилгунгача қолган вақтнинг қандай ўтиб кетганини ҳам сезмайдилар, ҳам ўзларининг Миср тарихига оид билимларини анча бойитадилар.

● ЗОЕ КЕТАЁТГАН БИЛИМ

29 ёшли И. Мидоус Бм-би-сн компанияси ҳар йили уюштирадиган «Буюк ақл» деган ном остидаги конкурс ғолиби бўлди. У жуда ҳам қийин бўлган мусобақада ҳаммадан устун келиб Англиядаги граждалар урушн тўғрисидаги барча саволларга қойилмақом қилиб жавоб қайтарди. Билимдонларнинг финал ўйинн телевидениеда кўрсатилди.

«Буюк ақл» конкурсн ғолибига топширилган биллур идиш албатта И. Мидоусга жуда ҳам ёқимли совғадир. Шу боисдан у бажонидил биллур идишн қўлда тутиб газета учун суратга тушди. Бироқ ғолиб бошқа бир мукофотга умид боғламоқда. И. Мидоус маълумотн бўйича тарихчидир. У Кембриждаги машҳур Тринити коллежини битирган. Ғолибнинг бирдан-бир орзуси нхтисослиги бўйича иш топишдир. Бундай имконнятга эга бўлмаган И. Мидоус госпиталда ёрдамчи ишчи ўрнида ишлаш билан чекланишдан ва ўз билимини юқорида айтиб ўтилган конкурсда реклама қилишдан бошқа чора тополмади.

● СЕВГИ ЖАВОБСИЗ ҚОЛДГАЧ

Перу пойтахтида яшовчи Эстрада Хименес ўн олти қаватли осонўпар бинодан тушиб кетиб қандайдир бир мўъжиза туфайлигина омон қолди. Врачларнинг фикрича, пастда турган енгил автомашинанинг томига аниқ равишда «қўнган»лиги унинг ҳаётини сақлаб қолган. Машина ўзига хос амортизаторлик вазифасини ўтаган Хименесниng оёғи синди ва у тан жароҳати олди. Хабар бершиларига қарағанда севгисиз жавобсиз қолгани боисидан у ўзини деразадан отиб юборган.

● НЕГА РОЗИЛИК БЕРДИНГИЗ...

Баварня (ГФР) шаҳарчаларидан бирндагн йўл полицняси яқинда йўл ҳаракати хавфсизлигининг икки баравар қўпол равишда бузилганлиги ҳақидаги ҳодисани қайд қилди. Шаҳар кўчаларидан бирида тез юриб келаётган машина тўхтатилди. Полицняларнинг эсларн оғишига сал қолди: қай кўз билан кўрсинларки рулда кўзи ожиз одам ўтирарди... Унинг ёнида эса кайфи ошиб қолган автомобиль эгаси ўтирар, кўзи ожиз одамга эса машина ҳайдашни «айтиб» келаётган экан. Кейинчалик у ўз қилмишини изоҳлаб, машинани маст одам бошқарганда бу нарса йўлда қандай фожиали оқибатлар олиб келиши мумкинлигини тушунган учун ҳам рулга кўзи кўр ошнасини ўтқизишга аранг розн қилганини айтди.

● БОЛҒА — ХАВФЛИМИ!

Стокгольм техника институтининг мутахассисларн олиб борилган кўп йиллнк тадқиқотлардан кейин болаларнинг қурилишдаги энг хавфли асбоб эканлигини аниқладилар. 1981 йили ана шу соҳада юз берган ишлаб чиқарш жароҳатларининг 60 процентн худди шу болғани ишлатиш пайтида содир бўлган. Қурувчилар бармоқларига тез-тез ана шу асбоб билан тушириб қолар эканлар.

● ЕТТИ ЭГИЗАК ТУҒИЛДИ

Америкаиниng Калифорния штатида яшайдиган ўттиз ёшли ўқитувчи Патрнция Фрустача еттн эгизак кўрди. Уларнинг ўттитаси — тўрт ўғил ва икки қизалоқнинг аҳволи яхши. Рейтер ахборот агентлигининг хабар беришича, врачларнинг тузғилган олти эгизак ҳаётини энг янги медицина жиҳозлари ёрдамида сақлаб қолиш мумкинлигига ва болаларнинг соғлом бўлиб вояга етишишига ишончларн комил!

● Венгрия Халқ Республикасининг театрларида рус ва совет авторларининг асарлари тез-тез томошабинларга тортиқ этилмоқда. Венгер санъаткорларн сақналаштирган асарлар мунтазам театр мухлисларн томонидан саммий кутиб олинаётир.

СУРАТДА: Будапештдаги Эркеля номли театр саҳнасида қўйилган С. Прокофьевнинг «Золушка» балетидан бир кўрннш. Бу ўзига хос саҳна асарини венгриялик томошабинлар қизиқиш билан кутиб олишди.



ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СОВЕТ ЭКСПОЗИЦИЯСИНИНГ КАТТА ЮТУҒИ

БАЗЕЛЬ. Бу ерда халқаро баҳорги Базель ярмаркаси Совет Иттифоқи куни ўтказилиши билан ниҳоясига етди.

Ярмарка комитети вакилларининг фикрича, бу йил совет павильони ғоят зўр муваффақият қозонди. Совет павильони баҳорги Базель ярмаркалари бутун тарихида энг катта ва ваколатли павильон бўлди. Ун кун давомида ярмарканн ўн минглаб киши келиб кўрди. Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига, турли соҳаларда СССР эришган муваффақиятларга бағишланиб павильонда очилган фотовиставка катта қизиқиш уйғотди.

Совет павильони стендларида СССРдаги 130 дан ортиқ корхона маҳсулотининг уч мингдан кўпроқ намуналн намойиш қилинди. Томошабинлар химия, электроника соҳасидаги янгиликлар, халқ истеъмоли молларн, СССР халқлари амалий санъати буюмлари билан таништилар.

Ўзбекистон ва Латвия ССРга бағишланган бўлимлар павильон меҳмонларида зўр таассурот қолдирди. Павильоннинг заллари ҳамиша одамлар билан гавжум бўлди. Ўзбекистоннинг «Садо» вокал-чолғу ансамбли ва Рига политехника институтининг «Лнесма» студентлар ансамблининг концертлари томошабинларга манзур бўлди. Рига модалар уйининг вакиллари кийим-кечакларнинг оригинали моделларидан тайёрланган бой ва хилма-хил кўргазманн намойиш қилдилар. Ҳақиқий ўзбек чойхонаси томошабинларни айниқса, қизиқтирди.

Швейцария корхона эгалари иттифоқи чет эл виставкалари бўлимининг бошлиғи К. Бюхлер фикр-мулоҳазалар дафтарига «Ярмаркадаги совет павильони менда зўр таассурот қолдирди», деб ёзиб қўйди. Яна бир қуйидаги ёзувга кўзингиз тушади: «Совет иттифоқлик азиз дўстлар, Сизларга муваффақиятлар ва тинч келажак ёр бўлсин». Ўзбекистон ССР бўлимидаги фикр-мулоҳазалар дафтарида «Хушбўй чой, табассум ва хушмуомала учун катта раҳмат» деган сўзларни ўқийсиз.

Совет Иттифоқининг ярмаркада иштирок этиши Совет—Швейцария савдо-сотиқ муносабатларини ривожлантиришга сезиларли даражада кўмаклашди, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда ярмарка директори Ф. Вальхард. Биз ССР ярмаркасининг анъанавий қатнашчиси бўлишига умид қиламиз ва келгуси йилда совет экспозициясини яна кўрамиз, деб ўйлаймиз.

«СОВУҚЛИК ФАБРИКАСИ»

БУДАПЕШТ. Марказий Венгрнядаги Альбертирша шаҳрида фойдаланишга топширилган янги катта совуқлик комбинати йилнинг исталган фаслида магазинларга янги малина, маймунжон, қора қант юбориб тура олади. Республиканинг озиқ-овқат саноатида кенг тарқалган маҳсулотни тез музлатиш технологияси бу ишда ёрдам беради.

Пайчилик асосида янги «совуқлик фабрикаси»ни қурган ўн бешта катта боғдорчилик хўжалиги ўз маҳсулотларига ишлов беришнинг айни шу усулини танлаганликлари тасодифий эмас. Бугунги кунда «Мирелит» деган умумий ном олган янги музлатилган хўл мева, сабзавот салатлари, чала тайёр масаллиқлар Венгриянинг ҳар бир универсамида зарур маҳсулотлар бўлиб қолди.

Венгрияда катта-катта давлат хўжаликлари ва кооперативлар бирлашиб кучли совуқлик комбинатлари қурмоқдалар ва шу билан маҳсулот нес-нобуд бўлишини камайтириш учун, йил бўйи уни сақлаш ва сотиш учун яхши шароитлар яратмоқдалар.

Венгрияда ички бозорнинг ўзи учунгина ўртача йиллик «Мирелит» тайёрлаш 50 минг тоннадан ошиб кетди.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

ПРАГА. Чехословакияда рус тилига бағишланган 15-миллий олимпиада зўр муваффақият билан ўтди. Унда республиканинг турли шаҳарларидаги бошланғич мактаблар, гимназиялар, техникумларнинг бир неча минг ўқувчиси қатнашди.

Бир неча даврадан сўнг, пешқадамлар аниқланди. Оломоуц шаҳридан Ян Индрак билан Прагадан Валерий Штатьков биринчи ўринларни олдилар. Уларга дипломлар ва қимматли совғалар берилди. Олимпиада қатнашчиларининг катта группасига фахрий дипломлар берилди. Дипломларни А. С. Пушкин номли рус тили институтининг Прагадаги филиали вакиллари топширдилар.

* * *

ДЕҲЛИ. Бутан пойтахти — Тхимпхуда Жанубий Осиё мамлакатлари регионал ҳамкорлик ташкилотн (САРК) ташқи ишлар министрларининг икки кунлик учрашуви бўлиб ўтди. Бангладеш, Бутан, Ҳиндистон, Мальдив республикаси, Непал, Покистон ва Шри Ланка шу ташкилотга аъзодир.

Учрашувда сўзга чиққан Жанубий Осиё мамлакатлари регионал ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларнинг вакиллари ядровий куролланиш пойгасини жиловлаш, халқаро реакция кучларининг космик фазони ҳарбийлаштиришдан иборат телбанамо режаларини амалга оширишга уринишлари пайини қирқиш зарурлигини айтдилар. Бундай режалар инсониятни ядровий фалокат ёқасига келтириб қўяди.

Ташқи ишлар министрлари САРК аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Жанубий Осиё таҳридаги биринчи учрашувини шу йил декабрь ойида Даккада ўтказишга қарор қилдилар.

* * *

НАЙРОБИ. Кения пойтахтида БМТ атроф-муҳит программаси бошқарувчиларн кенгашининг навбатдаги сессияси очилди. Жаҳоннинг 58 мамлакати, шу жумладан, Совет Иттифоқи вакиллари кенгаш аъзоларидир. Икки минг йилгача ва ундан кейинги йилларгача бўлган даврда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги йиғма иш планн моддаларини, биосфера ресурсларни муҳофаза қилиш планн лойиҳасини шунингдек чўллар пайдо бўлишини, жумладан, Африкадаги Судан-Саҳел зонасида чўлга айланиш жараёнини тўхтатиш борасида қўйилаётган конкрет қадамларни муҳокама қилиш учрашув кун тартибига киритилган.

* * *

ЮНЕПнинг ижроия директори Мустафо Толба сессияни очиш маросимида сўзлаб, халқаро ва регионал даражалардаги қалин ҳамкорликгина бугунги кунда инсонни қуршаб олган муҳитнинг дунёнинг бир қанча район ларидаги қалтис аҳволини тузата олиши мумкин, деди.

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

27 МАЙ. 1985 й.

ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ЎТ ОЧАЙЛИК!

«СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАРНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ИНСОН СОҒЛИҒИНИ ХАРОБ ЭТИШИНИ, БЎЛАЖАК АВЛОДЛАРГА ҲАЛОКАТЛИ ТАЪСИР ҚИЛИШИНИ, ЖАМИЯТГА КАТТА МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЗИЁН ЕТКАЗИШИНИ АҲОЛИГА МАҲОРАТ ВА САБОТ БИЛАН ТУШУНТИРИБ БЕРИЛСИН».

(КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан).

● МЕҲРИБОН ШИФОКОРЛАР — СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА

● ҲИКМАТ — БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

● АРОҚ-ВИНО ЎРНИГА ШАРБАТЛАР САВДОСИ КУЧАЙТИРИЛСИН

ИРОДАНГ ЎЗ ҚЎЛИНГДА

(ШАҲАР НАРКОЛОГИЯ ДИСПАНСЕРИДАН РЕПОРТАЖ)

Ичкилик ичишга ўрганган киши унинг тубсиз комига ғарқ бўлади. Ажойиб истеъдод эгалари умрини завол қилган, аҳил оилаларни бир-биридан жудо этган, иродаси йўқ кишиларни эл ичида шармандаю, шармисор қилиб, юзига қора суришга мажбур этган ичкилик касофатидан қутилишнинг давоси борми! Бор албатта. Бунга биз шаҳар наркология диспансерида бўлганимизда ва у ердаги шифокорлар—диспансер бош врачи Абдурашид Муҳсимович Абдалиев, медицина фанлари кандидати Баҳодир Пўлатович Каюмов ва бўлим мудири вазифасини бажарувчи Людмила Александровна Подкапаева ва беморлар билан суҳбатлашганимизда яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Рўпарамизда республика қурилиш министрлигида яхши лавозимлардан бирида ишлаётган ўттиз ёшли А. И. исмли йигит ўтирибди.

— Ичкилик ичишни 20 ёшимда бошлагандим. Отам кўпинча командировкада бўлардилар, онам билан ёлғиз қолардик. Ойимдан қўрқардим. Беркитиб кўп вино ичган вақтим бўлган. 1973 йили институтни тугатдим. Ишда кўпинча планеркадан кейин ичиш бошланиб кетарди. Оғизга текканидан кейин тўхтата олмасдим.

— 1982 йили судланган экансиз. Унинг сабабини айтиб беролмайсизми, —деб савол бериб қолди Баҳодир Пўлатович.

— Ҳаммасига ичкилик айбдор. У маҳалда қурилишда прораб бўлиб ишлардим. Вақти келса бош оғригига эрталабдан олардик.

— Масалан, қанча ичардингиз, савол берди бош врач.

— Ҳар куни бир ярим литрга етказиб ароқ ичардим. Ичкиликка муккамдан кетганимни кўриб баъзи бир ишёқмас «дўстларим» ароқни ўз вақтида етказиб туришарди ва бунинг ҳисобига ҳар хил қоғозларга қўл қўйиб бериб, печать босардим. Оқибати ўзингизга равшан...

—Ишингизни яхши кўрасизми? Бўш вақтингизда нима билан шуғулланасиз?

— Касбимни севаман, ҳозир бўш қолдим дегунча китоб ўқийман. Музика билан қизиқаман, ҳар хил маркалар йиғиш ишқивозиман.

— Ичкингиз келиб турадими? —деб сўрайди Людмила Александровна.

— Йўқ. Ундан ташқари ичкилик бор жойдан ўзимни олиб қочаман.

— Етти фарзандим бор, олтинчиси ўғил. Отам вафот этганларидан кейин мен ичишга ружу қўйдим, дейди 1943 йилда туғилган М. Мираъзамов, — эрталаб ўзи-ўзини даволайди деб ичсак, — кечқурун улфатлар билан «давра» қурардик. Баъзан тонготар ичардик, тўй ва бошқа маросимларда эса ичкиликни канда қилмасдик.

— Ота-онангиз ёки авлодингизда сизнинг касалингизга йўлиққанлар борми?— деб савол берди Абдурашид Муҳсимович.

— Йўқ, етти пуштимда бунақа менга ўхшаб «отадиганлар» бўлмаган. Яқинда қизимни узатдим. Киччкинаси тўрт ёшда. Энди мутлақо оғизга олиш ниятим йўқ.

Биз А. И. ва Мирмаҳмуднинг гапларидан ўзи учун зарарли одатга айланиб бораётган майхўрликни ўз вақтида тушуниб етганлиги ва оиласининг соғлом, онгли аъзосига айланганлигини сезиб турардик.

Шу вақт эшик тақиллаб ичкарига атлас кўйлак кийган йигирма беш ёшлардаги аёл кириб келди.

— Хўш, эшитамиз, — деди бош врач.

— Биласизми? — деди ўтирганларга ер остидан қараб ва гапирайми, гапирмайми деб сўз бошлади:

— Эрим яна ичишни бошлаб юбордилар, — деди Феруза ва йиғлаб юборди.

Ўтирганлар бир-бирларига қараб қўйишди.

—Бир бошидан тушунтириб гапиринг,— деди Б. Қаюмов.

— Оиламизда ўн беш жонмиз. Кейинги вақтда эрим яна ичкилик ичишга ружу қўйди. Яхши слесарь эди. Ишдан ҳайдашди. Олдинига Олмазордаги касалхонада даволаниб чиқди. Ичмасдан юрувди бирдан яна бошланди. Уйимиздан яна ҳаловат йўқолди. Ҳар куни жанжал. Қайнонам ҳам оқ сут бериб боққан фарзандларидан безор бўлганларидан мени бу ёққа юбордилар.

— Ўзларини олиб келмадингизми?—деб сўради Людмила Александровна.

— Боришга уяламан дейдилар. Ичмай юрганларида улардан яхши одам йўқ, сал оғизга тегдими, у кишини таниб бўлмайди.

— Эрингизга албатта ёрдам берамиз,— деди Л. Подкапаева ва йўлланмани ёзиб жувонга узатди.

— Тузалиб кетармикин? —деб сўрадим бош врачдан.

—Албатта. Бу ҳар бир инсоннинг ўз иродасига, ён атрофидагиларга боғлиқ. Шуни айтиш керакки, сурункали алкоголизм касаллигига мубтало бўлганлар асосан саноат корхоналари, қурилиш, автохўжалик кишилари орасида кўплаб учрайди. Касалликнинг олдини олиш учун профилактика ишларини имкони борича кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда трактор заводи, «Ташкенткабель», 2-автокомбинат, 5-автобус парки ва бошқа корхоналарда фельдшерлик-наркология пунктлари ва жамоатчилик асосида наркология постлари очилди. Маълумки, тарбиявий фаолият амалий иш билан мустаҳкамланган-дагина кутилган натижани бериши мумкин. Шунинг учун ҳам меҳнат коллективлари ва оилаларнинг ичкиликбозликнинг олдини олиш соҳасидаги тажрибасини кенг тарғиб қилиш керак.

Алкоголизм касаллигининг бошланғич даврида олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси хўжалик ҳисобидаги поликлиника қошида алкоголизм касаллигига дучор бўлганларни даволовчи бўлим ташкил этди. Ана шу бўлим ҳар бир даво излаб келганларга хизмат кўрсатади.

Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш умумхалқ иши эканлигини бир дақиқа ҳам эсдан чиқармаслигимиз зарур. Партия ва ҳукуматимиз белгилаган тадбирларни кенг меҳнаткашлар оммаси қўллаб-қувватлаётганлиги бу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишидан далолат беради. Буни биз наркология диспансери мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Олдинлари ҳар куни 150 га яқин бемор бу ерга келиб даволанаётган бўлса, ҳозирги рақам 220 га етди, шанба кунлари эса 330 га бормоқда.

Ичкиликбозликка ружу қўйган шахсларни қайта тарбиялаб, ҳар бир меҳнат коллективида меҳнат интизоми ва тартибни бузишнинг ҳар қандай кўринишига муросасиз бўлайлик!

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.


НЕГА ҚОИДА БУЗИЛМОҚДА?

ФОТОАЙБНОМА



Собир қарашли Мавлуда Саидова юзида мулойим табассум. Унинг кайфияти жуда яхши. Аммо унинг бу қувончига шерик бўлиш мумкин эмас. Чунки у совет савдо қоидасини қўпол равишда бузиб, бир шиша ароқни Раҳимов райпишчеторгига ёш ўсмирга узатди. Худди ана шу вақт биз уни суратга туширдик. Ажабланарлиси шундаки, Мавлуда ичкиликни кимга сотганлиги билан қизиқмади.

Яна бир хайратланарли факт бошқа суратга туширилди. Генерал Узоқов ва Зиё Саид кўчалари муюлишидаги транспорт ва йўловчилар серқатнов жойда шишали пивонинг бозори чаққон. Бу ердан ўтаётганлар ширакайф кишиларнинг ёқимсиз ҳазилларини, сўкишларини, хунук қаҳқаҳасидан безор бўлиб ўзларини олиб қочишмоқда. Бу ўзига хос савдони Ўзбекистон туризм ва экскурсиялар Советига қарашли «Олмпия» ресторани ташкил этганлиги маълум бўлди. Ресторан директори М. Усмонов бундай савдо қилиш савдо, санитария, жамоат тартиби қонун-қоидаларига зид эканлигини наҳотки билмаса!!





Пастдаги суратда эса Киров райпишчеторгига қарашли 27-магазинининг сотувчиси Х. Канчерова тасвирланган. Бу савдо корхонаси абразив комбинати ва 27-ишчи-ёшлар мактаби ёнида жойлашган. Ана шундай қўшничилик бўлишига қарамасдан магазинда ароқ ва вино сотилмоқда. Шуниси ажабланарлики, магазинда спиртли ичимликлар сотиш учун рухсат берилган. Ҳудди шундай манзарани ана шу райпишчеторгнинг 45-магазинида [мудири Г. Бадриддинова] ҳам кўриш мумкин. Бу савдо шахобчаси асбобсозлик заводи ёнгинасида жойлашган.

КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида лўнда қилиб «...спиртсиз ичимликлар, шарбат, квасларни ишлаб чиқариш ва сотишни анча кўпайтириш таъминлансин», деб кўрсатиб ўтилган. Шунга қарамай, савдо корхоналари қонунни четлаб ўтиб, белгиланмаган вақтларда спиртли ичимликлар билан савдо қилишни давом эттирмоқдалар. Бу муҳим масалада етарли тартиб ўрнатилиши, бу хусусда савдо Бош бошқармаси ва умумий овқатланиш бошқармаси раҳбарлари ўзларининг қатъий сўзларини айтишлари, спиртли ичимликлар савдосида тартиб ўрнатишлари, ўзларига қарашли магазинларнинг вино-ароқ билан савдо қиладиган бўлимларни иш режимини қатъий назорат қилишлари, спиртли ичимликлар ўрнига мороженоелар, чанқоғбосди ичимликлар савдосини кенг кўламда йўлга қўйишлари керак!

Т. Каримов фотолари.

Донолар бисотидан

● Ичкилик одамларнинг жисмоний соғлиғини нобуд қилади, ақлий қобилиятини нобуд қилади, оила ҳаловатини нобуд қилади ва энг даҳшатлиси, одамларнинг қалбини ва уларнинг авлодини нобуд қилади.

Л. Н. ТОЛСТОЙ.

● Анави киши мастликдан қалтираб қолган қўлларн билан стакандан нима ичаётганини биласизми! У хотини ва болаларининг кўз ёши, қони ва ҳаётини сипқоряпти.

Ф. ЛАМИННЕ.

● Маст одамга ёруғ кўча ҳам зулмат.

К. Д. УШИНСКИЙ.

● Маст одам— одам эмас, чунки у инсонни ҳайвондан ажратиб турувчи ақлини йўқотган.

Т. ПЭН.

● Мастлик ўзи истаб жинни бўлишдир.

СЕНЕКА.

● Мастлик — ақлдан озиш машқидир.

ПИФАГОР.

● Мастлик ғирт ақлсизлик, у бизни истеъдодларимиздан маҳрум этади.

СОЛОН.

● Ақлни камайтиришнинг энг нақд воситаси ичкиликдир.

В. Я. ДАНИЛОВСКИЙ.

● Ичкиликбозлик учтарихий мусибат: очлик, вабо ва урушдан ҳам кўра кўпроқ вайронагарчилик келтиради.

В. ГЛАДСТОН.

● Ичкиликбозлик одамзод истиқболининг энг ашаддий душманидир.

А. ФОРЕЛЬ.

● Кимки ичса, у тубанлик йўлига кирган бўлади.

Ж. ЧОСЕР.

● Ичкилик одамни қотил ва ўғрига айлантиради.

К. КОЛТОН.

● Ичмаслик —ўчоққа ўтин, қозонга—гўшт, дастурхонга —нон, давлатга—даромад, ҳамёнга пул, танга — куч, устга— кийим-бош, миясга —ақл, оилага фаровонлик бахш этади.

Б. ФРАНКЛИН.

● Ичкилик ичиш инсонятга, гарчи у хурсандлик учун ичилса ҳам шодликдан кўра кўпроқ мусибат келтиради. Қанчадан-қанча истеъдодли ва забардаст одамлар ичкилик туфайли нобуд бўлдилар ва нобуд бўлмоқдалар.

И. П. ПАВЛОВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

«МОСКВИЧ»НИ КРЕДИТГА СОТИБ ОЛСАНГИЗ АВТОМОБИЛДА ЗАВҚЛИ САЁҲАТ ҚИЛИШ ИСТАГИНГИЗ АМАЛГА ОШАДИ

БАРЧА МОДЕЛДАГИ «МОСКВИЧ» АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА СОТИЛМОҚДА.



ХАРИДОР АВТОМАШИНА БАҲОСИНИНГ 50 ПРОЦЕНТИ МИҚДОРИДА ДАСТЛАБКИ ВЗНОСНИ ТЎЛАЙДИ. ШУНДАН КЕЙИН 48 ОЙ МОБАЙНИДА ҚОЛГАН ПУЛНИ ВА САВДО ТАШКИЛОТИ ФОИДАСИГА 2 ПРОЦЕНТ КРЕДИТ ХИЗМАТ ҲАҚИНИ ТЎЛАЙДИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.

«УЗСПОРТТОРГ» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО ИДОРАСИ (телефон 35-00-84).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги
РЕСПУБЛИКА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
1985-86 ўқув йили учун
рус тили ва адабиёти ихтисоси бўйича
СИРТҚИ БЎЛИМГА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш рус тилида олиб борилмайдиган мактабларни тамомлаган кишилар ўқиш рус тилида олиб борилмайдиган мактаблар программаси ҳажмида рус тили ва адабиётидан (оғзаки ва ёзма), СССР тарихи, чет тилидан; ўқиш рус тилида олиб бориладиган мактабларни тамомлаган кишилар эса рус тили ва адабиётидан (оғзаки ва ёзма), СССР тарихи, чет тилидан киритиш имтиҳонлари топширадилар.

Сиртқи бўлимга ёшидан қатъий назар мактабларда ўқитувчи, тарбиячи, пионервожатий, ҳунар-техника билим юртларида ўқитувчи бўлиб ишлаётган тўлиқ ўрта маълумотли эркак ва аёллар ва бошқа ходимлар, шунингдек Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган ҳарбий хизматчилар қабул қилинадилар.

АРИЗАЛАР— 31 МАЙГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ —1 ИЮНДАН 20 ИЮНГАЧА.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: билим юрти директори номига ёзилган ариза, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (2, 3, 6, 14-троллейбуслар; 11, 51, 172, 178-автобусларнинг «1-Пойафзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

КИНО

27, 28 МАЙДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИР САҚЛАГАН ОДАМ» —**Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45, кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30; телефон 44-21-34), **Тинчлик** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.30).

«ҚОРА КАЛХАТ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **К. Ёрматов номли** (жуфт соатларда).

«МУҲРЛАНМАГАН ЮК» —**Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Мир** (тоқ соатларда).

«ТУТСИ» — **Фестиваль** (21.30, телефон 32-78-02), **Чайка** (11, 14, 17, 20.00; телефон 77-06-20).

«ОППОҚ ШУДРИНГЛАР» — **Искра** (14, 16, 18, 20.00; телефон 39-14-59).

«ҚИШЛОҚИ ҚИЗ»—**ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» — **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00; телефон 96-34-02).

«ОҚ ПАТ ДОҲИЙСИ» — **С. Раҳимов номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 48-46-71).

«КИНО И ВРЕМЯ» КИНОЛЕКТОРИЙСИ ТИНГЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Кино уйида халқаро илмий конференция ўтказилиши муносабати билан 25, 26, 27 май кунларига белгиланган кинолекторий машғулотлари 1, 2, 3 ИЮНГА КЎЧИРИЛДИ

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЎҚУВ КОМБИНАТИ

В, С категорияли ҳайдовчилар тайёрлайдиган кундузги 5 ойлик ва кечки 6,5 ойлик курсларга ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Байнал-Минал кўчаси, 53-уй (4, 9, 11-трамвайлар, 2, 12-троллейбуслар, 7, 29, 34, 36, 43«э»-автобуслариниг «Оқтепа» майдони бекати).

Республика медицина билим юрти томонидан **Акбарова Маъмура Гашпаровна** номига берилган ГТ-1 266699 номерли йўқолган ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТВ

ДУШАНБА

27 МАЙ

● МТ I

18.15 «Ишлар ва одамлар». «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасида иқтисодий экспериментнинг бориши тўғрисида.
18.45 «Мўлжални кўряпман». Денгиз чегарачилари ҳақида телефильм премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Етмишинчи баҳор». Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. В. Гиталов ҳақида телефильм премьераси.
20.20 «Эртага — Чегарачилар куни». СССР Давлат Хавфсизлик комитети чегара қўшинлари бошлиғининг ўринбосари, генерал-лейтенант И. П. Полежаев сўзи.
20.35 «Чегарачилар, Сизлар учун». Концерт.
21.30 «Время».
22.05 «Тор оилавий даврадаги шундай аломат кеча». Телеспектакль премьераси.
23.45 «Дунё воқеалари».
24.00 Футбол шарҳи.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 Ритмик гимнастика.
19.20 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.20 «Баржом лавҳалари». Телефильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, киччкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Кичик юлдузлар». Бадиий фильм (Вьетнам).

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Нега энди филлар». Мультфильм.
18.30 «Усмир ва қонун» (рус.).
19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурчга садоқат...»
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Нақадар гўзал бу куй...» Тошкент ва Чирчиқ шаҳарлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти.
20.15 Врач маслаҳати. «Овқатланиш режими».
20.20 «Ахборот».
20.50 «Созандалар ҳақида ҳикоялар». А. ва Э. Зоҳидовлар чалади (фортепьяно).
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 Чегарачилар кунига. «Трансибирь экспресси». Бадиий фильм.
23.50 Янгиликлар.

● УзТВ II

18.40 Ўқитувчилар учун консультация. Олти ёшдаги болаларни ўқиш ва ёзишга ўргатиш (рус.).
19.10 «Қорақум характери». Ҳужжатли фильм.
19.20 «Чинор». Илмий-оммабоп программа (рус.).
19.50 «Бир кулгин, киччкинтой». Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Пушкинхонлик».

СЕШАНБА

28 МАЙ
ЧЕГАРАЧИЛАР КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Буратино кўргазмаси».
10.10 «Киччик юлдузлар». Бадиий фильм.
11.20 Сибирь Давлат рус халқ хорининг концерти.
12.00 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 Мамлакат телестудияларининг ҳужжатли фильмлари: «Эртанги кун лойиҳаси», «Доғистон миллионлари».
16.05 «Театр ва замон». Бир спектакль тарихи.
17.15 «Стадион ҳамма учун».
17.45 В. Моцарт. 38-«Прага» симфонияси.
18.15 «Фан ва турмуш».
18.45 «Махсус зона». Алоҳида контроль пропуск пунктларининг чегарачилари ҳақида телефильм премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 А. Литвиненко куйлайди.
19.55 «Иссиққўлнинг алвон лолалари». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев). — «Спартак». Танаффус пайтида (22.45) —«Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Бунёдкорлик йўлидан». Ҳужжатли фильм.
9.35, 10.35 Табиатшунослик. 2-синф. Мен ўрмон бўйлаб бораман.
9.55 «Витим қирғоқлари». Илмий-оммабоп фильм.
10.05, 14.00 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.55 «Эҳтиёт бўлинг, водород». Илмий-оммабоп фильм.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Эстетик тарбия.
11.35, 12.40 Ботаника. 5-синф. Усимлик — бир бутун организм.
11.55 «Қадрдон Мешчера». Илмий-оммабоп фильм.
12.05 «Шахмат мактаби».
12.35 Жамиятшунослик. Давримизнинг асосий мазмуни. «Капитализмдан социализмга ўтиш» темасига оид.
13.30 Умумий биология. Микроэволюция.
14.30 Тарих саҳифалари. Карл Маркс. «Усмирнинг касб танлашдаги ўйлари».
15.00 В. В. Маяковскийнинг гражданлик лирикаси.
16.00 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «...16 ёшгача ва ундан каттапар».
19.30 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
20.00 «Музикали киоск».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, киччкинтойлар».
20.50 Енгил атлетика бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари.
21.30 «Время».
22.00 Н. Долинина. «Доктор Жуков, йўлга». Телеспектакль.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Қандай қилиб чемпион бўлиш мумкин». Мультфильм.
10.30 «Артек» табассуми». Фильм-концерт.
11.00 «Транссибирь экспресси». Бадиий фильм.
12.30 «Болалик — бу камалаклар жилоси» (рус.).
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Чурек ва киччкинтой». Мультфильм.
18.25 Болалар учун концерт.
19.05 «Миллионлар ленинча университети». «Тарбияга комплекс ёндошиш».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Она қалби оёққа турса...» Адабий композиция.
20.30 «Ахборот».
20.50 Нов Давлат ўзбек музикали драма театри артистларининг концерти (Тожикистон ССР).
21.30 Москва. «Время».
22.00 «РАПО: тажриба ва муаммолар».
22.25 А. Дударов. «Остона». А. П. Чехов номидаги Самарқанд Давлат рус драма театрининг спектакли (рус.).

● УзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Вақт атомларга бўлинмайди». Илмий-оммабоп фильм.
18.30 Ўқитувчи экрани. Дарс самарадорлигини оширишда ўқув телевидениесининг роли.
19.00 «Бригадирнинг дастхати». Телефильм.
19.15 «Чегарада кунлар ва тунлар». Чегарачилар кунига бағишланган кинопрограмма.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Эстафета давом этади...»
21.00 «Озиқ-овқат программаси звенолари» (рус.).



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.

Р—13777.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ